



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 28 ноябрь, № 246 (7476) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ»ЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Умумий ўрта таълим тизимида илгор халқаро таъриб ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ сифатли таълим олиш имкониятларини яратиш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича илчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълим муассасаларининг мавжуд ҳолати уларнинг фаолиятидаги тизимли муаммолар ва камчиликларни тезкор бартараф этиш механизмларини яратиш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий-техник таъминоти ва таълим бериш сифатидаги тафовутни қисқартириш ҳамда ўқувчи-ёшларнинг таълим олишлари учун тенг шарт-шароитлар яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Янги турдаги умумтаълим муассасаларини барпо этиш ва муқаддам қурилган биноларни босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш орқали умумий ўрта таълимни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тизимида умумий ўрта таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг илгор архитектура ечимлари ва энергия тежовчи технологиялар асосида барпо этиладиган ҳамда жиҳозланган, халқаро талаблар асосида сифатли таълим-тарбия бериш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган «Замонавий мактаб»ларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2020 йил 1 мартга қадар:

а) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда хорижий таъриб ва мамлакатнинг табиий иқлим шароитларига мос, экологик тоза материаллар ва энергиянинг муқобили манбалари, энергия тежовчи ҳамда илгор технологиялар ва муҳандислик ечимларини қўллашни назарда тутувчи «Замонавий мактаб»ларни қуриш ва реконструкция қилишнинг намунавий лойиҳаларини;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларини замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асоб-ускуналари, ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа ҳамда видеокузатув воситалари билан жиҳозлашнинг янги меъёрларини;

(Давоми 3-бетда).

## Парламент ҳаёти



## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШГА КИРИТИШГА НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида янги тахрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш ишлари муҳокама қилинди.

Президентимиз раислигида жорий йилнинг 23 август кuni халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагоглар маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида қатор долзарб масалалар кўтарилган ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни бугунги ислохотларга мос равишда қайта кўриб чиқиш, янги тахрирда қабул қилиш лозимлиги таъкидланган эди.

Шундан сўнг қисқа муддатда Қонуннинг янги тахрири лойиҳаси тайёрланиб, парламент куйи палатасининг мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишда концеп-

туал жиҳатдан қабул қилинди.  
Қонун лойиҳасига аввалги, давр синовидан ўтган мукамал нормалар сақлаб қолингани ҳолда, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида қатор долзарб масалалар кўтарилган ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни бугунги ислохотларга мос равишда қайта кўриб чиқиш, янги тахрирда қабул қилиш лозимлиги таъкидланган эди.

Уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида муҳокама давомиде келиб тушган тақлифлар асосида тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда ва ҳаволаки нормалар чиқариб ташланмоқда.



## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

Аввал хабар қилингандек, 2019 йил 29 ноябрь кuni Тошкентда Марказий Осий давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишончли мулоқотни амалга ошириш ва минтақанинг долзарб масалаларига биргаликда ечим топиш мақсадида мазкур форматдаги учрашувлар йўлга қўйилган.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бундай учрашувларни ўтказиш таклифи илгари сурилган эди.

Уша йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида «Марказий Осий: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусида ташкил этилган халқаро конференцияда мазкур гоя ривожлантирилиб, яхлит дастур ишлаб чиқилган. Унинг амалга оширилиши минтақадаги сиёсий муҳитнинг тубдан ўзгаришига олиб келади.

Марказий Осий давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувини ўтказиш бўйича Ўзбекистон ташаббуси минтақанинг барча мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланди. Айтиш жоизки, ушбу саммит илк бор 2018 йил 15 март кuni Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтди.

Мулоқот мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи бошланганини ифода этиб, ҳамкорликни фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар ўртасида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилди.

Сўнгги йилларда эришилган натижалар сифатида Марказий Осийда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик-

ни таъминлашда муҳим омил бўлган давлат chegarаларини делимитация ва демаркация қилиш масаласидаги ижобий силжишлар, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг фаоллашгани, республикалар пойтахтлари ўртасида авиациятовларнинг тиклангани, янги назорат-ўтказиш пунктлари очилгани ва бошқа қўллаб-қувватланди.

Минтақадаги ҳамкорликнинг янги босқичи ҳақида сўз кетар экан, муҳим тарихий воқеа, яъни 2018 йил 22 июнь кuni БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осий минтақасида тинчлик, барқарорлик ва илчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилинганини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон ташаббуси билан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ҳамкорлигига тайёрланган ҳужжат лойиҳаси БМТга эъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Резолюцияда Марказий Осий давлатларининг хавфсизлик ва тараққиёт бўйича йирик минтақавий ва халқаро ташаббуслари, уларнинг икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, таълим, илм-фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштиришга содиқлиги ижобий баҳоланган.



## Ўзбекистонда яна бир янги енгил автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Унинг номи

### «Isuzu D-Max»

Кеча Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилган «Isuzu D-Max» пикапининг тақдими бўлиб ўтди. Эътиборлики, мазкур автомобиль ҳам йўловчилар, ҳам юкларни ташини учун бирдек қўлай бўлиб, «универсал дизайн» концепциясини ўзида намён этган.

### Янгилик

«Ушбу русум 2002 йилдан буён бутун дунё бўлиб Япониянинг «Isuzu Motors» компанияси томонидан ишлаб чиқариб келинмоқда, — дейди Самарқанд автомобиль заводи бош директори ўринбосари Хусен Қобилиев. — Шу йиллар ичида у турли иқлим шароитларида миллионлаб километрлар босиб ўтди ва анада мукамаллашди. Ўзбекистонда



ишлаб чиқариш учун 2017 йилда «Isuzu D-Max» модификациясининг иккинчи авлоди танаб олindi. Пикаплар экология талабларига мослиги ва тежамкорлиги билан ажралиб турувчи дизель ёқилғисида ишлайди. Янги модель шассиси «Isuzu» агрегатлари билан жиҳозланган бўлиб, ишларнинг юқори кўрсаткичларини намойиш этади. У қатор жиҳатлари билан ўз тоифасидаги автотомобиллар орасида энг яхшиси ҳисобланади».

Айни пайтда мамлакатимиз учун «Isuzu D-Max» учта моделда етти тарафда тақдим этилади.



## Конституция — менинг тақдиримда ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ КЕНГ

Ҳар бир шахс меҳнат қилиши, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан.



Мамлакатимизда фуқароларнинг эркин касб танлаши, ўзлари қизиқадиган йўналишларда ишда қилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Биздан эса ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиш талаб этилади ҳол. Олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежаларини тамомлаб, дипломга эга бўлган фуқароларнинг йўналишлари бўйича меҳнат қилишлари учун барча имконият бор. Қолаверса, тегишли дипломни бўлмаган фуқаролар ҳам адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ҳар биримизнинг эриша-

ётган ютуқларимизда Конституциянинг ўрни беқиёс, десак, муволага эмас. Буни ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида ҳис қиламиз, унда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланамиз. Асосий Қонунимиз фаолиятимиз учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўз конституциявий ҳуқуқларимдан фойдаланиб, Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини мониторинг қилиш ва сифатини баҳолаш бўлимида етакчи мутахассис си-

фатида фаолият кўрсатиб келяман. Бугун мамлакатимизда барча соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам чуқур ислохотлар олиб боришмоқда. Уларнинг самарали татбиқ этилиши шу соҳанинг ҳар бир вақидан, ҳуусасан, мендан ҳам доимий изиланиш, фидойийлики талаб этишини яши англайман. Бу борада бор билим ва салоҳиятимни ишга соламан.

**Алишер МУҚИМОВ,**  
Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази етакчи мутахассиси.

## Капитал бозори: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ДРАЙВЕР

Капитал бозори (қимматли қоғозлар бозори) молия тизимининг асосий бўғини сифатида унинг барқарорлигини таъминлаш, мамлакат рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади. Шу боис ривожланган давлатларда ундан иқтисодийётга инвестиция жалб қилишнинг асосий воситаларидан бири сифатида кенг фойдаланилади. Негаки, капитал бозори ривожланган рақобатбардош иқтисодийётни шакллантириш ҳамда инвестициявий фаолликни ошириш борасидаги барча ҳаракат бесамар кетади.

Шу маънода, Президентимиз томонидан жорий йилнинг 7 октябрь кuni бўлиб ўтган йиғилишида соҳада мавжуд ҳолат танқидий муҳокама этилиб, уни ривожлантириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган капитал бозорини тараққий эттириш борасида муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, тўлақонли бозор иқтисодиётини шакллантириш учун

капитал бозорини, унинг амал қилиш механизмларини такомиллаштириш зарур. Тўғри, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича ҳаракатлар бошланган. Аммо ўтган 25 йил давомиде унинг долзарб масалалари ўз ечимини топмади. Бу ҳақда гап кетганда, 2006 йилда Японияда бўлиб ўтган илмий-

амалий анжуман тафсилотлари ёдга тушверади. Унда иштирок этган дунёнинг етакчи иқтисодчи олимлари ва мутахассислари томонидан Ўзбекистон мустақиллигига 15 йил тўлган бўлишига қарамай, ҳали-ҳануз «ўтиш иқтисодиёти» (transition economy)да эканлиги танқид қилинган эди. Улар санаб ўтган вақтлар сўнгги икки йилда буткул бартараф этилди. Бош-

қача айтганда, бозор иқтисодиётининг драйвери бўлган капитал бозорини шакллантиришга тамал тоши қўйилди. Бунга валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, солиқ ислохотлари, ер муносабатларини тартибга солиш бўйича улкан амалий чора-тадбирлар мисолида гувоҳимиз.



## САЙЛОВ — 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловда ташвиқоти давом этмоқда.

Бугунги сонда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси номидан «Барча ислохотларни «инсонни ўзгартириш» тамойилига уйғун равишда олиб борамиз» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

## БИЗ ва ЖАҲОН



## «Diplomatic Magazine»: «ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВЛАР ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА ШАФФОФ БЎЛИБ ЎТАДИ»

Нидерландиянинг нуфузли «Diplomatic Magazine» журналинда «Ўзбекистонда парламент сайловлари» сарлавҳали мақола эълон қилинди, деб ёзади «Дунё» АА.

«Ўзбекистонда 2019 йил 22 декабрь кuni парламент сайловлари халқаро талаблар асосида шаффоф бўлиб

лов комиссияси Раисининг Сайлов кодекси Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган, у ўзида илгари мавжуд бўлган қарийб 30 та қонун ҳужжа-

ти қамраб олгани ҳақидаги сўзларини келтириб ўтади. Сайлов кодексига мувофиқ, эндиликда сайлов комиссиялари жисмоний ва юридик шахсларнинг сайлов ҳуқуқи бузилганлиги ҳусусида ўзига келиб тушган мурожаатларини кўриб чиқиш, улар бўйича текширувлар ўтказиш ва уч қунлик ҳамкорлик ташкилати каби сайловларни кузатиш бўйича халқаро ташкилотлар миссиялари тавсиялари, Венеция комиссияси таклифлари, шунингдек, сайлов принциплари ва стандартлари кўриб чиқилгани келтириб ўтилган.

«Diplomatic Magazine» Ўзбекистон Марказий сай-

лов комиссияси Раисининг Сайлов кодекси Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган, у ўзида илгари мавжуд бўлган қарийб 30 та қонун ҳужжа-

ти қамраб олгани ҳақидаги сўзларини келтириб ўтади. Сайлов кодексига мувофиқ, эндиликда сайлов комиссиялари жисмоний ва юридик шахсларнинг сайлов ҳуқуқи бузилганлиги ҳусусида ўзига келиб тушган мурожаатларини кўриб чиқиш, улар бўйича текширувлар ўтказиш ва уч қунлик ҳамкорлик ташкилати каби сайловларни кузатиш бўйича халқаро ташкилотлар миссиялари тавсиялари, Венеция комиссияси таклифлари, шунингдек, сайлов принциплари ва стандартлари кўриб чиқилгани келтириб ўтилган.

«Diplomatic Magazine» Ўзбекистон Марказий сай-




## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма тўртинчи ялпи мажлиси 2019 йил 30 ноябрь кuni соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 29 ноябрь кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.



## Долзарб мавзу



# БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРНИ «ИНСОННИ ЎЗГАРТИРИШ» ТАМОЙИЛИГА УЙҒУН РАВИШДА ОЛИБ БОРАМИЗ



**Туб ислохотлар туфайли ҳаётимиз янгиланмоқда, қарашларимиз, энг асосийси, воқеликка муносабатимиз ўзгаришти. Қайси соҳа ёки тармоқ бўлмасин, йиллар давомида ечими топилмаган муаммолар очик-ойдин муҳокама қилиняпти. Мухими, ана шундай ўзгаришлар асосида қонун ва қарорлар, давлат дастурлари юртдошларимиз талаби асосида қабул қилиниб, аҳоли манфаати йўлидаги эзгу мақсадлар рўёби таъминланмоқда. Изчил ислохотлар сиёсий партиялар ҳамда барча даражадаги депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам халқ вакилларининг янгилиниш ва ўзгаришлар кузатувчиси эмас, аксинча илғор гоёларни илгари сурган ҳолда, фаол иштирокчиси бўлиши лозимлиги қайта-қайта таъкидланаётир.**

фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Тўғри, сайловга санокли кунлар қолганида биз ҳам сайловчига бирмунча долзарб туолган, бироқ амалга ошмайдиган ваъдалар бериб, ишонч қозонишимиз мумкин. Аммо биз ўз қатъий позициямиз ҳамда сайловолди дастуримиздан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилган ва яқин келажақда рўёбга чиқариладиган ишлар ҳақида маълумот беришимиз. Маданий мерос объектлари хусусида гапириш айрим партия вакиллари тилидан тушмаётган олий ўқув юрталари

бўлиши учун, аввало, боболардан мерос улкан маданият ва илм-фанни нафақат сақлаш, айтиш чоғда уларни янада раванқ топтириш зарурлигини, ўтмишдан сўзлагувчи маданий-тарихий обидида ва иншоотлар умрини узайтиришимиз лозимлигини тушунтиришга ҳаракат қилишимиз.

Бугун сайловчилар хушёр, ҳар бир масалага, унинг туб-моҳиятига дарҳол назар солади.

Туризмни ривожлантиришга оид ташаббусимиз ҳам «ярқ» этиб сайловчилар эътиборини тартади, деб ўйлаймиз. Ахир, миллионлаб иш ўрин-



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июль кунин Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Экологик ҳаракат вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида депутатлик шарафи ҳар кимга ҳам насиб этавермаслигини, бугунги кун депутати — фикри-зикри билан халққа энг яқин одам, доимо эл-юртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс бўлмоғи лозимлигини таъкидлаган эди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятига тўхталиб, улар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармаётгани, устувор мақсад ва вазибаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф, ташаббуслар деярли сезилмаётганига эътибор қаратганди. Хусусан, «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолиятига тўхталиб, партия миллий меросимиз ва қадриятларимизни тиклаш, уларни янада бойитиш билан бирга, туризм соҳасини ривожлантиришга муҳим вази-фа сифатида қарашни мақсадга мувофиқ эканини тилга олганди.

Юртбошимиз яна бир муҳим масала — тарихий обидаларимизни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аجدодларимизнинг қадимжоларини обод қилиш бўйича олдимизда қанчадан-қанча вазибалар турганини айтиб, «Миллий тикланиш» демократик партиясига Маданият вазири ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб бориш бўйича ҳам бир қатор тавсиялар берган эди.

Маълумки, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, бундай объектларни қайта тиклаш ва уларнинг имкон қадар асл ҳолида сақланишини таъминлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Буни муқаддас қадимжолар, моддий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, тадқиқ этиш, таъмирлаш мақсадида улкан ишлар олиб борилаётганида ҳам қўриш мумкин. Бу борада Халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бунинг самараси ўлароқ, юртимиздаги кўплаб меъморий-тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида киритилди.

Аммо шунинг айтиш жоизки, бугунги кунга келиб глобаллашув жараёнининг кўлами шунчалар кенгайдики, бу ҳудудлар инфратузилмасининг кескин ўзгаришига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Натижада дунёда тарихий ёдгорликларга бўлган эътибор жуда сусайди. Айрим объектлар йўқолиб кетиш даражасига келиб қолди.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йилнинг 16 январда «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш таъминлаштириш тўғрисида»ги фармойиш қабул қилинди. Унинг ижроси доирасида мазкур объектлардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, муайян саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Энг аввало, тарихий обидаларнинг бугунги ҳолатини ўрганиш, туризм соҳасини янада ривожлантириш, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида Маданият вазири, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ҳар бир ҳудуд кесимида махсус дастур ва «йўл хариталари» ишлаб чиқилганлигини айтиш зарур. Ўз навбатида, барча бўғиндаги аъзолар, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари



маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва тегишли идора вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Шу тариқа 2018 йилнинг сентябрь — ноябрь ойларида мамлакатимиздаги барча тарихий объектлар хатловдан ўтказилди.

### Хатлов жараёнида:

**7 577 та** моддий маданий мерос объекти ўрганилди.

### Маълум бўлишича:

**6 750 та** объект сақланиб қолган.  
**827 таси** эса йўқ бўлиб кетган.

### Пировардида

**310 та** янги моддий маданий мерос объекти давлат рўйхатида киритилиш учун тавсия этилди.

Таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, давлат ҳимоясига олинган объектларнинг 25 фоизиди муҳофаза таъминланган — ёрликлар мавжуд, ҳолос. 5000 дан ортиғига бундай белгилар умуман қўйилмаган. Аксарият маданий мерос объектларининг қадим ҳужжатлари тайёрланмаган, ҳатто чегаралари белгиланмаган. Энг ёмони, айрим объектлар маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорларга берилган ёки тарихий объектларга тегишли ҳудудлар хусусий уй-жой эгаларига сотиб юборилган.

Ўрганишлар давомида қаровсиз ётган айрим обидалар маҳаллий аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, экин майдони ёки чорва моллари боқиладиган ҳудудга айлантирилиб олингани аниқланди. Кўплаб ёдгорликлар реставрация ишларига мутахассис эмас, арзон ишчи кучининг жалб қилиниши оқибатида ўзининг тарихий хусусиятини йўқотган. Ана шундай салбий муносабат оқибатида жами 300 дан ортиқ обидаларга жиддий зарар етган.

Ўтган йилнинг 19 декабрида айтиш шундай масалада маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаевнинг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси ҳақида»ги ахбороти парламент куйи палатасида эшитилди. Эртаси кун эса вазириликка партия томонидан ўрганилган моддий маданий мерос объектлари ҳақидаги маълумотлар ҳамда суратлардан таркиб

топган ҳудудий кесимдаги альбомлар тақдим қилинди.

Айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимизга янги куч ва қанот бағишлади. Натижада «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан

контрактини бекор қилиш гоёси олдида унчалар долзарб кўринмаслиги мумкин. Аммо бу ўз келажагини ўйлаган ҳар қандай халқ учун жудаям муҳим. Шу маънода, биз ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга асл ҳолида етказишни энг бирламчи вазибаларимиздан бири, деб биламиз. Шу сабабли ҳам биз халқимиз бугун тенглар ичра тенг

лари яратиш имконини берувчи ушбу гоё ишсизлик балоси илди-зига болта уриш билан бирга, нафақат хорижлик сайёҳлар, айтиш чоғда халқимизнинг ҳам тарихий обидаларимизга бўлган муносабатини кескин даражада ўзгартирилади, таъбир жоиз бўлса, уларга нисбатан меҳримизни ўйғотади. Мазкур гоёмизнинг иқтисодий фойдаси ўз-ўзидан тушунарли бўлгани боис бу ҳақда тўхталиб ўтирмаймиз.

Юртимизда туризм истиқболи порлоқ. Шу сабабли ушбу соҳани жадал ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, Президентнинг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжатларда аънаваный маданий-тарихий туризм баробарида, унинг зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, даволаш-соғломлаштириш, спорт, қишлоқ хўжалиги, саноат, ишбилармонлик турларини кенг омма-лаштириш, соҳани комплекс ривожлантиришга доир миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, хорижий мамлакатларнинг шу фаолият билан шуғулла-надиган ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, республиканинг барча ҳудудда туризм индустрияси объектларини жойлаштириш, тизим учун етук кадрларни тайёрлаш каби вазибалар кўзда тутилган бўлиб, ушбу йўналишда кенг кўламли чора-тадбирлар олиб бориляпти. Натижалар ҳам шунга яраша бўлаётир.

Соҳада бошқарувни такомиллаштириш учун «Ўзбектуризм» Миллий компанияси негизда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинган ҳам айтиш мумкин бўлди. 2017 йилнинг 12 июлида эса давлатимиз раҳбарининг «Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбир-

## ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING АСОСИЙ ҒОЯ ВА ВАЗИФАЛАРИ:

- ▶ «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!» гоёсини амалга ошириш;
- ▶ инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш;
- ▶ парламентни халқ уйига, депутатларни халқимизнинг фидойи хизматчисига айлантириш;
- ▶ ўқитувчининг мақомини ошириш, қулай меҳнат шароитларини яратиш;
- ▶ узлуксиз тарбия тизимини яратиш ва юксак маънавиятли, ватанпарвар авлодни шакллантириш;
- ▶ давлат тилининг мақомини ошириш;
- ▶ диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш;
- ▶ инсон манфаати устувор бўлган барқарор миллий иқтисодий ривожланишни таъминлаш;
- ▶ аёлларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш орқали оила институтини ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш;
- ▶ миллий, маданий ва маънавий қадриятлар, Ўзбекистон халқининг урф-одат ҳамда аъналарини асраб-авайлаш ва бойитиш;
- ▶ маданий меросни муҳофаза қилиш ва туризмни ривожлантириш;
- ▶ миллат генофонди ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- ▶ халқ таъминотини ривожлантириш;
- ▶ маҳалла институтини такомиллаштириш;
- ▶ хориждаги ватандошларимизнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш;
- ▶ солиқ амнистиясини эълон қилиш ташаббуси билан чиқиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.



лари тўғрисида»ги қарори билан Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимларининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари лавозими жорий қилинди. Орадан қарийб бир ой ўтгач, яъни 16 августда «2018 — 2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор билан Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланди ва унинг ижроси устидан тизимли назорат олиб бориш мақсадида Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Тизимдаги ана шундай янгила-нишлардан келиб чиқиб, партиямиз бу борадаги қонунларимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаб, уларга ҳуқуқий ечим топиш борасида ҳам реал ишларни амалга оширмоқда. Шунга қарамай, амалдаги қонунлар, Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш бо-бидаги фаолиятимизни етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам партиянинг 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурида соҳани талаб даражасида такомиллаштиришни асосий вазибаларимиздан бири сифатида белгилаб олдик.

### Шу саъй-ҳаракатлар натижасида

**Ўзбекистонга 2017 йилда**

**2 миллион 700 минг,**

**2018 йилда**

**5 миллион**

**300 мингдан** ортиқ сайёҳлар ташриф буюрган.

**2025 йилда хорижий сайёҳлар сонини**

**7 миллион** нафарга етказиш, соҳа даромадини

**2 миллиард доллардан** ошириш кўзда тутиляпти.

Партиямиз томонидан шу мақсад йўлида салмоқли иш олиб борилаётир. Жумладан, партиямиз Маданият вазири ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорлик меморандумини имзолади. Бу муаммоларни масалаларни четдан туриб эмас, балки соҳа вакиллари билан елкама-елка туриб ҳал этиш имконини бермоқда.

Хулоса ўрнида шунинг айтиш жоизки, «Миллий тикланиш» демократик партияси иқтисодий масалаларга ҳам янги қарашлар орқалигина ечим топиш мумкин, деб ҳисоблайди. Яъни тарихимизни, тилимизни, моддий маданий меросимизни асраб-авайлашдан тортиб, чекка қишлоқларда ҳам ўнлаб янги иш ўринларини ташкил этиш масаласига ҳам ўзининг долзарб вазибаларидан, деб билади ва шу йўлда ташаббускор бўлишга астойдил ҳаракат қилади. Бу юмушларни «инсонни ўзгартириш» тамойили билан бирга олиб боради.

Азиз юртдошлар! Ўзгаришларни, энг аввало, ўзимиздан бошлайлик. Қўлни-қўлга бериб, жамиятимизни ўзгартирайлик! Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси номзодларига овоз беринг!

**Нодир МУХТОРОВ,**  
ЎЗМТДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ»ЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда:

“Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талабларни, шу жумладан, мазкур мактабларнинг дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бадиий ва бошқа адабиётлар билан таъминланганлиги даражасига, ўқув-тарбия жараёнига ҳамда дарсдан ташқари фаолиятига ҳамда раҳбар ва педагог кадрларига қўйиладиган талабларни;

умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талаблар асосида баҳолаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги “Инновация, технология ва стратегия маркази” давлат унитар корхонаси умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб”ларга қўйилган талаблар асосида баҳолаш бўйича масъул ташкилот ҳисобланади;

“Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талабларга мос келадиган умумий ўрта таълим муассасаларига тегишли даражадаги мувофиқлик сертификати берилди;

2020 йил 1 мартдан бошлаб давлат умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш, молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, “Замонавий мактаб”ларни қуриш ва реконструкция қилишнинг намунавий лойиҳалари ва жиҳозлаш меъёрлари асосида амалга оширилади.

4. Қўйилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги “Инновация, технология ва стратегия маркази” давлат унитар корхонасининг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб”га қўйилган талаблар асосида баҳолаш орқали уларга мувофиқлик сертификатини бериш;

умумий ўрта таълим муассасаларини баҳолаш жараёнига тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб этиш;

замонавий ва шаффоф баҳолаш услубларини жорий этиш бўйича илғор тажрибани оммалаштириш; “Замонавий мактаб” талаблари асосида баҳолаш бўйича умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини аниқлашнинг

электрон платформасини ишлаб чиқиш ва унинг юритилишини таъминлаш;

умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб” талабларига мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

5. Қуйидагилар: 2020 — 2022 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб” талаблари асосида янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий параметрлари (кейинги ўринларда — асосий параметрлар) 1-иловага мувофиқ;

2020 — 2022 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини “Замонавий мактаб” талаблари асосида қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли дастурлари (кейинги ўринларда — манзилли дастурлар) 2а, 2б ва 2в-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки: асосий параметрлар ва манзилли дастурларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5717-сон Фармонида мувофиқ инвестиция дастурлари доирасида тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши мумкин;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонунчилик билан тақиқланган бошқа манбалар ҳисобидан умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлаш уларни тўлиқ жиҳозлаш билан биргаликда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шу жумладан, марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан:

а) янгидан қуриладиган, реконструкция қилинадиган ҳамда мукамал таъмирланган умумий ўрта таълим муассасаларини жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) юзасидан харидларни амалга ошириш бўйича бюртмачи этиб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги “Ўқув таълим-таъминот” давлат унитар корхонаси;

б) умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича бюртмачи этиб:

Тошкент шаҳрида — “Халқ таълими соҳасида лойиҳа

хужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — “Инжиниринг компанияси”) ДУК);

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари хузуридаги Ягона бюртмачи хизмати инжиниринг компаниялар белгилансин.

7. “Инжиниринг компанияси” ДУК “Замонавий мактаб” талаблари асосида намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун бюртмачи этиб белгилансин ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларини “Замонавий мактаб” талаблари бўйича лойиҳа-смета хужжатларига мос равишда сифатли бажарилганлиги устидан назорат олиб борсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоятлар ҳокимликлари хузуридаги Ягона бюртмачи хизмати инжиниринг компаниялари:

а) умумий ўрта таълим муассасалари учун: лойиҳаларнинг “Инжиниринг компанияси” ДУК техник топшириги асосида ишлаб чиқиши ва келишилишини; лойиҳа хужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш бўйича “Инжиниринг компанияси” ДУК билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилишини таъминласин;

б) “Инжиниринг компанияси” ДУКга умумий ўрта таълим муассасаларида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати юзасидан яқуний назорат амалга оширилиши учун барча зарур хужжатларни тақдим этсин.

9. Белгилансинки, умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш жараёнида сифатсиз бажарилган, белгиланган техник талабларга мос келмаган ҳолда бажарилган ҳамда ортиқча ҳажмида кўрсатилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича ундирилган суммаларнинг 90 фоизи тегишли объектлардаги аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун бўйсунувига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг махсус шахсий газна ҳисобварақларига, 10 фоизи эса “Инжиниринг компанияси” ДУКнинг махсус ҳисоб рақамига ҳодимларни рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига йўналтирилади.

10. Белгилаб қўйилсинки, 2020 — 2022 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини:

янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш — Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган инвестициялар маблағлари;

мебель, ўқув-лаборатория, спорт анжомлари ва ўқитишнинг техник воситалари билан таъминлаш — Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган инвестициялар маблағлари, халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари;

компьютер техникаси ва ички локал тармоқ (тармоқ ускуналари) билан таъминлаш — халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари;

замонавий итисити тизими билан таъминлаш — Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3931-сон қарорининг 5-банди олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 26 ноябрь

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

Шунингдек, Марказий Осие мамлакатларининг минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашдаги муҳим роли, замонавий таҳдидларга қарши саъй-ҳаракатлари таъкидланган, 2018 йил март ойида Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтган биринчи Маслаҳат учрашувининг яқунлари қўллаб-қувватланган.

Минтақа давлатлари ўртасидаги яқинлашувга бўлган интилиш халқаро эксперт доиралари томонидан ижобий баҳолашиб, ушбу жараёнга “янги тарихий ютуқ”, “Марказий Осие давлатлари муносабатлари тарихидаги янги давр”, “ўзбек дипломатияси ва Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати муваффақияти”, дея таъриф берилмоқда. Экспертлар минг йиллар давомида дунё маданиятлари, тиллари ва динларининг ўзаро

мулоқоти ва бир-бирига таъсир ўтказишига хизмат қилган Марказий Осие бугун бой энергетика ва табиий ресурслар салоҳияти, ўта ноёб транспорт-коммуникация имкониятларига эга бўлиб, Евроосие минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил ривожланиш таъминлаш тизимидаги муҳим бугун сифатида яна алоҳида геосиёсий аҳамият касб этаётганини таъкидламоқда. Шу маънода, Марказий Осие мамлакатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви давлатлар ўртасидаги минтақавий ҳамкорликнинг асосий тамойилларидан бири — ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, ушбу муқаддас замида яшаётган халқларнинг фаровонлиги ва тараққиётига қаратилган тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шерикликни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

«Дунё» АА.

ШҲТ БИЛИМЛАР ЗАЛИ

КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ, МУТАХАССИСЛАР, КИТОБХОНЛАР УЧУН ДОИМО ОЧИҚ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Билимлар залининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Миллий кутубхонаси билан биргаликда ШҲТ Билимлар залини ташкил этди, у кенг жамоатчилик вакиллари, мутахассислар, китобхонлар учун доимо очкидир. Унда ШҲТга аъзо мамлакатлар халқлари маданияти, миллий анъана ва урф-одатларидан ҳикоя қилувчи ўзбек, хитой, рус ва бошқа тиллардаги қарийб 300 номдаги адабиётлар тўплаган. Тадбир доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Ўзбекистондаги ШҲТ Халқ дипломатияси маркази ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Сўз — тадбир қатнашчиларига

Ханс-Ульрих ИМ, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари бўйича катта маслаҳатчиси:

— Биз кўплаб муҳим муаммоларни ҳал этувчи минтақавий ташкилот сифатида ШҲТ билан яқин ҳамкорлик қиламиз. Келгусида мазкур Билимлар залини янада ривожлантиришда иштирок этишни режалаштирдик. Бу ҳамкорликдаги ишларимизнинг ягона намунаси эмас. Шу пайтга қадар бир неча лойиҳаларни биргаликда муваффақиятли амалга ошириб келмоқдамиз. Мазкур лойиҳа ҳам китобхонлар учун яхши совға бўлди. Унинг замонавий ва турли халқлар ҳаётига оид янги асарлар билан бойитилиши учун биргаликда кўпгина лойиҳаларни ижрога йўналтириш истигадимиз.

Цуй Ли, ШҲТнинг Яқин қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик бўйича Хитой қўмитаси раисининг ўринбосари:

— Бугунги кунда ташкилотимиз томонидан маданий, илмий, таълим дастурларини амалга ошириш орқали халқаро алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунга турли хил кўргазмалар, муносиқ фестиваллар, санъат байрамлари орқали эришиш назарда тутилган. Бу ерда ўзбек китобхонлари учун турли халқларнинг тарихи ва бугунги ҳаёти билан яқиндан танишиш имконияти яратилди. ШҲТга аъзо давлатлар географияси жуда катта ҳудудни қамраб олади. Бундай Билим заллари тўғрисида ўзаро фойдалану маълумотларни алмашиш ва кенг жамоатчиликни ШҲТ мамлакатлари билан яқиндан таништириш мумкин бўлади.

Мунисон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

Ўзбекистонда яна бир янги энгил автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Унинг номи «Isuzu D-Max»

Автомобил интерьерида бе-зашнинг қора элементлари, хромланган деталлар ва ушлаб кўрганга ёқимли материаллар уйғунлашди. Кенг эшиклари кабинага осон кира олиш, ичкарида йўловчилар қулай жойлашшини таъминлайди. Пикапнинг юк кўтарувчанлиги эса 865 — 1100 кг.га тенг. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, «Isuzu» автомобилларида ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилади. «Isuzu D-Max» русумлари

ҳам япон стандартларига мувофиқ юқори мустаҳкамликдаги пўлат кабина, энергияни юта олувчи олд ким, ён зарбга чидамли планкалар ва таранг тортиб турувчи хавфсизлик ёстиқчалари билан жиҳозланган. Ўзбекистонда тайёрланган мазкур янги автовренд 2020 йилдан сотувга чиқарилади. Нархлари мос равишда 270 млн. — 380 млн. сўм ораллигида белгиланган.

Саид РАҲМОНОВ («Халқ сўзи»).



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШГА КИРИТИШГА НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?

Шунга қарамай, тадбирда қонун лойиҳасида ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор масалалар сақланиб қолаётгани кайд этилди. Жумладан, Ҳукумат томонидан киритилган лойиҳада жисмоний шахсларнинг индивидуал таълим фаолияти (репетиторлик фаолияти) билан шуғулланишига доир норма акс этган. Бироқ ишчи гуруҳи томонидан маз-

МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАР ЖАМОАТЧИ ИНСПЕКТОРЛАР ҲИМОЯСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида қатор қонун лойиҳалари билан бирга, қуйи палата томонидан юборилган парламент сўровларига вазирликлардан келган жавоблар ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Хусусан, маданият вазири Б. Сайфуллаевнинг парламент сўрови бўйича тақдим этган жавоби ҳар томонлама муҳожима этилди. Таъкидланганидек, 2018 йилда моддий маданий мерос объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун республика бюджетидан 47,5 миллиард сўм ажратилган ва мақсадли сарфланган. Хусусан, кўплаб тарихий обид ва объектларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шу йил 4 июнь кун Маданият вазирлиги ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

«Diplomatic Magazine»: «ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВЛАР ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА ШАФФОФ БЎЛИБ ЎТАДИ»

Сайлов кодексига биноан, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумларга сайловларда иштирок этишга қўйилган чеклов бекор қилинди.

“Мен сайловлар пайтида жамоатчилик назорати кучайтирилиши ва фуқаролик жамияти институтлари ваколатлари кенгайтирилишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳозирги кунда сиёсий партиялар билан бир қаторда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳам сайловни кузатиш имконияти берилди. Бу сайлов жараёни шаффофлиги ва жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш имконини беради”, дея М. Абдусаломов сўзларидан иқтибос келтирилади журналида.

Материалда Сайлов кодексига аёлланишнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камиди ўттиз фоизини ташкил этиши кераклиги ифодаланганига алоҳида эътибор қаратилган.

Нидерландия нашрида айти пайтда Ўзбекистоннинг 20,5 млн. аҳолиси қиритилган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини бошланган сайлов кампаниясидаги муҳим аниқликлардан бири сифатида қайд этилган.

“Мазкур инновацион сайлов механизминини ишлаб чиқишда бу йўналишдаги халқаро тажриба ўрганилди. Парламент сайловларида бошқа ахборот технологияларини ҳам қўллаш режалаштирилди. Сайлов округлари ва участкалари, комиссия аъзолари ҳақидаги кейинчилик МСК рас-

Сайджон МАХСУМОВ тайёрлади.

